



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 3 июнь, № 109 (5276)

Жума

## ОНА ВАТАНИМИЗНИНГ МАРД ЎҒЛОНЛАРИ

ТИНЧЛИГИМИЗ ВА ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИДИР

**Тинчлик — улугъ неъмат, бебаҳо бойлик.**  
Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида ҳам халқимиз осойишталиги ва фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Бугун дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор киши бунга жуда яхши англайди.

### Фахр

Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати боис мустақиллик йилларида мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий курол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямиз шакллантирилди. Босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида Куролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими яратилди. Ўтган йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрлари профессионал асосда тайёрлаш борасида кўп ишлар қилинди. Шунингдек, кўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий-хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай чора-тадбирлар бугунги кунга келиб армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксалишига замин яратди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу масъулиятли соҳа тараққиётида ҳар-



бий таълим даргоҳларининг алоҳида ўрни бор. Хусусан, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти ҳам Куролли Кучларимиз сафларига етук офицер

мутахассислар етказиб бераётган олий ҳарбий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Ҳозир бу ерда танк кўшинлари тактик кўмондонлиги, ҳаво-десант

кўшинлари тактик кўмондонлиги, зенит-ракета кўшинлари тактик муҳандислиги каби мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Курсантларга катта ил-

мий педагогик тажрибага эга офицерлар, профессор-ўқитувчилар сабоқ бериб келишяпти.

(Давоми 2-бетда).

### Анжуман

Мустақил тараққиёт йўлининг дастлабки натижалари шуни кўрсатаётгани, соғлом рақобат бор жойда ривожланиш, юксалиш бўлади. Хусусий тадбиркорлик субъектлари етакчилик қилаётган чакана савдо ва телекоммуникация хизматлари, озиқ-овқат ва тўқимачилик соҳаларида кўлга киритилаётган муваффақиятлар ана шундан далолат беради.

## СОҒЛОМ РАҚОБАТ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Гап шундаки, мазкур соҳалар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази ташаббуси билан озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида рақобат масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш маркази ташаббуси билан озиқ-овқат маҳсулотлари бозорларида рақобат масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда сўз юритилди. Таъкидландики, республикамизда монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМ ШАРАФИ

Куни кеча матбуотда Президентимиз Исроом Каримовнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва таниқли шоира Саида Зуннунова хотирасига Тошкент шаҳрида ҳайкал ўрнатилди” тўғрисидаги қарори эълон қилинди.

Ушбу қарор замирида миллий адабиётимизнинг етук сиймоларига, умуман, юртимиз ижод аҳлининг самарали фаолиятларига нисбатан олий эъзоз ва эҳтиром ифодаси мужассам.

Чунончи, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ёзувчиси Саид Аҳмад ва унинг умр йўлдоши, истеъдодли, ҳассос шоира Саида Зуннунованинг ижодий мероси, ҳаёт йўли навқирон

### Муносабат

авлодларимизга Ватанни севиш, жонжон халқимизга муносиб хизмат қилиш, севги ва садоқат беназир, гўзал адаб соҳибига ва соҳибаси бўлиб воқеага ётишда ёрқин ибрат намунаси.

Таъкидлаш керакки, Истиқлол йилларида миллий адабиётимизга эътибор, ижод аҳлига гамжўрлик юксак босқичга кўтарилди. Хусусан, Президентимиз Фармони асосида “Ижод” фондининг ташкил этилиши, “Дўрмон” ижод уйи, Ёзувчилар поликлиникасининг замонавий қиёфа касб этганлиги, ижодкорлар учун барча шарт-шароит яратиб берилганлиги, адабиётимизнинг эртанги куни — ёш истеъодларнинг илк китоблари чоп этилаётгани, ижодий уюшмалари қайноқ иш фаолиятини тобора кенгайтириб бораётгани — бениҳоя қувончли ҳолдир. Бинобарин, адабиётимиз даргалари Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Зулфия ижодига ва хотирасига бўлган кечисиз эҳтиром рамзи сифатида пойтахтимизда улар шарафига ўрнатилган ҳайкаллар — биз ижодкорларга фахр ва ифтихор бағишлаб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исроом Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ўтган давр мобайнида юртимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида амалга оширилган ислохотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принциплари ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантиришга қаратилганлигини алоҳида айтиб ўтган эди.

## ЎЗАРО ТИЙИБ ТУРИШ ВА МАНФААТЛАР МУВОЗАНАТИ ТИЗИМИНИНГ МУСТАҲКАМ ОМИЛИ

Сир эмаски, ҳокимиятлар бўлиниши назарияси жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатлари давлат қурилиши таърибасида кенг қўлланилиб келинмоқда. Мамлакатимиз ҳам мустақилликни кўлга киритганидан сўнг Конституция-мизнинг 11-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари асосланади”, деган қоида мустаҳкамлаб қўйилди. Бу қоида кейинчалик “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Рес-

публикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги конституциявий қонуларда, “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги ва бошқа қонуларда янада ривожлантирилди.

Давлат ҳокимиятининг бу учта тармоғининг ҳар бири ҳам бошқаларидан мустақил бўлмоғи лозим. Шунингдек, бир томондан, бири бошқаларининг мутасоиб ривожланиши учун етарли даражадаги шарт-шароитларни яратиши, керак бўлса уларни тийиб туриши, иккинчи томондан

эса, умумий мақсад йўлида бошқалари билан ҳамкорлик қилиши зарур. Зотан, давлат ҳокимиятининг мазкур тармоқлари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Улар давлат ҳокимиятини биргаликда ташкил этади ҳамда унинг тизимидаги зарур элементлар бўлиб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими фақатгина ҳокимиятнинг учта тармоғи ўртасида эмас, балки ҳокимиятнинг тармоқлари билан давлат бошлиғи — Президент ўртасида ҳам амал қилади.

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Марказий сайлов комиссиясида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган устувор вазифалардан бири — сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси, Тошкент вилояти ва шаҳар сайлов комиссияларининг аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, сиёсий партиялари, Ўзбекистон экологик ҳаракати, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва

### Тадбир

оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Кўчкор Тоғоев миллий сайлов қонунчилигини такомиллаштиришнинг аҳамияти ҳақида фикр юритди. Президентимиз Исроом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлиси-

даги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси мамлакатимизни ислохот этиш ва демократлаштириш жараёнини, давлат ва жамият қурилиши соҳасини, ҳуқуқий тизимини, шу жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев ва бошқаларнинг чиқишларида таъкидланганидек, кейинги йилларда бўлиб ўтган сайловлар натижалари,

(Давоми 2-бетда).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалланинг истиқболли, кўп жиҳатдан, унинг етакчиси, маслаҳатчи фаолларига боғлиқ. Ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, маҳалла оқсоқоли қанчалик билимли, таърибли, фаол ва адолатли бўлса, бу ерда фойиз-барак ва ривожланиш бўлади. Бошқача айтганда, оқсоқол маҳалла виждони, юзи-кўзи. Шу боис фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## МАҲАЛЛА ИСТИҚБОЛИ

оқсоқолнинг фидойилиги ҳамда ташаббускорлигига ҳам боғлиқ

Яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар моҳиятини теран ҳис этадиган, ташкилотчилик қобилияти ва катта ҳаётий таърибага эга, аҳоли орасида обрў-эътибор қозонган фидойи инсонлар бу лавазиматга сайланмоқда. Андижон вилоятидаги 866

та маҳалла фуқаролар йигинининг аксариятида бўлиб ўтган сайлов жараёнлари мисолида ҳам бунга яққол кўриш мумкин. — Фуқаролар йигинлари раислари (оқсоқоллари) ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловга пухта ҳозирлик кўрилгани бу жа-

раёнларда қўл келмоқда, — дейди вилоят кўмаклашувчи комиссияси раиси Тўлқинжон Каримов. — Фуқаролар фаоллиги аввалгига қараганда сезиларли даражада ошганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Улар ўзлари

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизга таширф буюрган Чехия Республикаси парламенти Сенати раисининг биринчи ўринбосари Пржемысл Соботка раҳбарлигидаги делегация 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илгизар Собиров билан учрашди.

## ЧЕХИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Чехия ўртасидаги алоқалар кўпжаба ҳалқаро, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бу йўналишдаги ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида парламент делегацияларининг учрашувлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Учрашувда икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида маълумот берилди.

Чехия парламенти делегацияси аъзолари шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмухамедова билан ҳам музокаралар ўтказди.

Чехия делегацияси аъзоларининг Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг раиси Алишер Шайхов билан учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқболли бизнес ва молия доиралари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

**САМАРҚАНД. Ургут туманидаги “Тонг-КЗ” корхонаси раҳбари Қаҳрамон Жабборов сазй-ҳаракати билан қиймати 180 минг АҚШ долларлик янги лойиҳа амалга оширилди.**

## Бежирим ва харидоргир

Ушбу маблағ ҳисобига хориздан тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган замонавий дастгоҳлар олиб келиб, ўрнатилди. Натيجида 40 янги иш ўрни яратилган корхонада йилга 400 минг погонметр газлама тайёрлаш имконияти юзага келди.

Тумандаги 194 та саноат корхонаси томонидан жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида 20,4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**СУРХОНДАРЁ. Олтинсой туманида фаолият юритаётган “Қорлик ДВ АСР” масъулияти чекланган жамияти томонидан муҳташам савдо мажмуаси бунёд этилиб, ишга туширилди.**

## Аҳолига қулайлик

Бунинг учун банкнинг 200 миллион сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Бу ерда савдо дўконлари билан бир қаторда, саратрошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси каби ўнлаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам фаолият юритмоқда.

Эътиборлики, жамият фаолияти кенгайтириш ҳисобига 20 кишининг иш билан бандлиги таъминланди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**БУХОРО. “Ғиждувон Машҳураси” ўқув марказида янги лойиҳа амалга оширилиб, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

## Лойиҳа ўзини оқлади

Бунинг учун қарийб 90 миллион сўм сарфланиб, хориздан замонавий тикув машиналари харид қилинди. Натيجида бу ерда ўттизта янги иш ўрни яратилди. Ойига ўртача йигирма миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга мазкур корхонада туман касб-хунар коллежларида таҳсил олган ёшлар меҳнат қилишяпти. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган кийим-кечалар тури эса ўттизтадан ошди.

Айтиш жоизки, ўқув маркази ҳозир 15 та йўналишда фаолият кўрсатмоқда.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.





XALQ BANKI

Юртимизда кичик бизнес кенг кўламада ривожланиб, иқтисодийимизда етакчи кучга айланиб бораёпти. Бу ислохотлар самара бераётганидан нишондир. Бунда, табиийки, банкларнинг сармоялари ва хизматлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида ўтган йилги ялпи ички маҳсулот таркибидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 52,5 фоизга етганини алоҳида айтиб ўтгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

# КИЧИК БИЗНЕС ҲАМКОРИ ВА МАДАДКОРИ

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши уларнинг банклар томонидан молиявий қўллаб-қувватланишига бевоқифа боғлиқ. Шунинг учун, тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори ва мададкори бўлган Халқ банкнинг Сирдарё вилояти филиали бу жараёнда фаол иштирок этапти. Унинг 10 та филиали ва 11 минибанки орқали 98,8 мингдан ортиқ юридик ва jismoniy шахсларга хизмат кўрсатилаётгани шундан далolat беради.

Филиалимиз томонидан 2011 йилнинг биринчи чорағида кичик бизнес субъектларига жами 3 миллиард сўмлик кредит ажратилди, — дейди унинг бошқарувчиси Баходир Ботиров. — Бу маблағнинг 200 миллион сўми 40 нафар тадбиркор аёлга берилди. Натижада 45 та иш ўрни яратилди, бир қатор корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари оширилди. Президентимизнинг 2006 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида 2006 — 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳа-

сини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам банк томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда сервис соҳасини ривожлантириш учун ажратилган 200 миллион сўмлик кредит эвазига қўллаб янги корхоналар ташкил этилиб, 200 га яқин иш ўринлари очилди. Масалан, банкнинг Гулистон шаҳар филиалидан "Асилбек Муҳиддин Фахриддин" масъулияти чекланган жамиятига 49 миллион, хусусий тадбиркор Заринабону Зоҳидовага Ховос филиалидан 26 миллион сўм миқдорда кредит ажратилиши натижасида улар ишларини янада ривожлантириб олди.

### Молия муассасаларида

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, шу давр ичида кичик бизнес субъектларига балиқчиликни ривожлантириш учун 14 миллион сўм, боғдорчиликни ривожлантириш учун 29 миллион сўм, паррандачиликни ташкил этиш учун 66 миллион сўм, чорвачиликни ривожлантириш учун эса 57 миллион сўмлик микрокредитлар берил-

ган ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Мисол учун, Боёвут туманидаги "Боёвут агросервис" масъулияти чекланган жамиятига паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун 100 миллион сўм кредит маблағи ажратилган эди. Бугунги кунда бу ерда замонавий технологиялар билан жиҳозланган паррандачилик фермаси қурилмоқда. Мирзаобод туманидаги "Жамшид балиқ" фермер хўжалиги балиқчиликни йўлга қўйган бўлса, Ховос туманидаги "Тўзал баҳор неъмат" фермер хўжалиги боғдорчилик, Боёвут туманидаги "Ойбек Нурбек" хусусий корхонасида нон ишлаб чиқариш шехини ташкил этиш ҳисобига озик-овқат маҳсулотлари истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

ушун 1 миллиард 370 миллион 800 миң сўмлик кредит берилган туфайли миқозлар томонидан 1 миллиард 833 миллион 600 миң сўмлик товар айланмаси амалга оширилди. Тулиқ ишга туширилган савдо объектларидан 1 миллиард 102 миллион 200 миң сўм нақд пул банк касаларига кириб қилинди. Банк филиалларида жорий этилган жозибдор омонат турлари аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳисобига jismoniy шахсларнинг банкдаги маблағлари қолдиги эса, пластик карталар ҳамда сотилган сертификат қолдиқлари билан биргаликда ҳисоблаганда, 5 миллиард 423 миллион 200 миң сўми, омонат ҳисобварақларининг сони 118639 таши ташкил этганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Мухтасар қилиб айтганда, Халқ банкнинг Сирдарё вилояти филиали ходимлари кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигига амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишда ўз миқозларининг ишончли ҳамкори ва молиявий мададкори бўлиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ш. ХОЛМУРОДОВ

**XALQ BANKI**

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат-тижорат Халқ банки

сизга

(199871) 200-00-55

телефон рақами бўйича банкнинг  
ўзлуксиз ишлайдиган ахборот-  
мулоқот хизматидан фойдаланишингизни таклиф этади.

Маъмур хизматдан фойдаланган ҳалда:

- банк томонидан кўрсатиладиган хизматлар бўйича Ўзбекистон Республикасида қўллаб-қувватланаётган савдоларга жавоб берилади;
- қулай ва фойдали бўлган омонат турини танлашингиз;
- сиз учун қарак бўлган кредит турини аниқлашнингиз ҳамда кредитлашнинг барча шартлари билан танлашингиз;
- қулай пул ўтказмалари турини аниқлашнингиз ва танлашингиз;
- сиз учун энг яқин бўлган банк муассасаси маълумини ҳамда унинг иш тартибини тўғридан маълумот олишингиз;
- банк томонидан кўрсатиладиган хизматнинг сифатини тўғрисида ўз фикрингизни билдиришингиз мумкин.

## «ЭРТАДАН ИШГА ТУШАСИЗ!»

— Ангрн шаҳрида бўлиб ўтган бўш иш ўринлари ярмаркасида "Ўзбекқўмир" очик акциядорлик жамияти мутасаддилари ҳужжатларим билан танишиб чиқишга, "Ариза ёзинг, эртадан ишга тушасиз!" дейишганида, очиги, шошиб қолдим, — дейди Эркин Раззоқов. — Ишга қабул қилиниб, қўлимга "ҚРАЗ" автомашинасининг қалитини беришганида, қанчалик қувонганимни кўрсангиз эди...

Эркин Раззоқов шу йилнинг биринчи чорағида ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаларида иштирок этиб, ўз иш жойига эга бўлган 400 га яқин кишининг биридир. Бундан ташқари, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг иқтисодий ҳимоясини кучайтириш мақсадида изчил олиб борилган чора-тадбирлар натижасида шаҳарда 1085 та иш ўрни яратилди. Бу иш жойларининг 55 фоизига хотин-қизлар жалб этилгани, айниқса, қувонarliдир.

Таъкидлаш керакки, Ангрнда ёшларнинг, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган му-

тахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш борасида яхши тажриба тўпланган. Бунда маъжуд корхона ва ташкилотлар билан мустақам алоқалар йўлга қўйилгани айни муддао бўлмоқда. Масалан, шу йил бошидан фаолият кўрсатётган "Сангрентех" масъулияти чекланган жамияти, уелишувга кўра, коллежларнинг 250 нафар битирувчиларини ишга қабул қилди. — Бундай ижобий натижаларни бошқа ҳудудларда ҳам кузатиш мумкин, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиги Шароф Каримов. — Худудий ишга жойлаштириш борасида 86 миңга иш жойи ташкил этиш режалаштирилган эди. Дастлабки уч ойда 18 миң 758 та янги иш ўрни очилди. Уларнинг 70 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келгани диққатга сазовордир. Айтилик, Янгийўл туманининг чекка қишлоғида "Элнур энд Руслан Текстиль" хорижий корхонасининг ишга туширилиши билан 250 нафар ёш иш билан таъминланган бўлса, "Грелланд Транс сервис" масъулияти чекланган жамияти 40 нафар ёшни ўз бағрига олди.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

## «ЭРТАКЛАР КАРВОНИ»

Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида иқтидорли мусаввир Феруза Башарованинг "Эртақлар карвони" деб номланган кўргазмаси очилди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни муносабати билан ташкил этилган маъмур кўргазмада рассомнинг 50 дан зиёд асарлари намойиш этилмоқда. Бу асарлар ўзига хос фалсафий ечим, миллийлиги билан томошабинларда кизиқиш уйғотаётир. Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т. Қўзиёв сўзга чиқиб, мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор хусусида алоҳида тўхталиб, тасвирий санъат ривожига Башаровлар сулоласининг муносиб ўрни борлигини таъкидлади. Маълумки, Феруза бугунги кунда Башаровлар сулоласининг навқирон вакили сифатида ўз иқтидорини намойн қилмоқда. Унинг китоб графикаси йўналишидаги фаолияти мутахассислар томонидан эътироф этиб келинади. Бугунги кунда рассом асарлари Жанубий Корея, АҚШ, Болгария, БАА, Словакия ва бошқа мамлакатлар галереялари ҳамда шахсий коллекциячиларнинг тўпламларида сақланмоқда. 20 июнга қадар давом этадиган маъмур кўргазма иштирокчиларда чуқур таассурот қолдириши, шубҳасиз.

### Кўргазма

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

2011 йил 17, 18, 19 июли

Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,  
Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси,  
Бадий жамоалар иходий бирлашмаси

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ  
КОНСЕРВАТОРИЯСИДА

«ЗАРБ — 2011»

Доирачилар  
қўриқ-танлови

Танловда  
16 ёшдан 40 ёшгача бўлган  
доирачилар иштирок  
этиши мумкин.

Аризалар Тошкент шаҳри,  
Ҳамза тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 2-уй,  
Мусика саройида қабул қилинмоқда.

Маълумот учун телефонлар:  
(8-371) 289-59-95, 289-58-85.

**ACCENT**

NEW THINKING. NEW POSSIBILITIES.

Кафолат 3 йил  
ёки 50 000 км.

www.hyundai.com.uz  
Tel. (8-371) 250-11-11

Official Partner

**Moody's**  
Investors Service

2011 йил июнь ойида  
«Moody's Investors Service»  
халқаро рейтинг компанияси томонидан  
«Ипотека-банк»  
акциядорлик тижорат ипотека банкига  
берилган  
«БАРҚАРОР»  
рейтинг даражаси  
тасдиқланди.

ИПОТЕКА БАНК

**ADOLAT SOQCHISI**  
АДВОКАТЛАК БИРОСМА

Ўз ҳуқуқларингизни  
ҳимоя қилинг!

• Ҳар кел турдаги қарорқилишларни ўқидириш (ш. ҳўмлар, талабдан бешра шакл фойдаланиш ва келди).

• Ҳўқуқлик, фуқаролик, жимой ва маъмурий ишларда иштирок этиш.

• Ҳўқуқлик қўриқувчи субъектларга ва jismoniy шахсларга қўриқув хизмат кўрсатиш.

• Ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, божиона, солиқ ва бошқа органлар томонидан текширув ўтказилаётган гаёйра иштирок этиш.

• Оилавий муаммолар, мол-мулкни бўлиш, никоҳдан ажралиш, мерос билан боғлиқ ички масалаларни, шартномалар муносабатлар ва қимматли қўриқув бўйича қўриқув масалалар билан, шунингдек, барча турдаги битимлар тузиш учун зарур ҳўқуқлар қўриқув.

• Юридик масалаларни бериш ва ишларни ташкил этиш ҳўқуқини муҳофаза қилувчи идоралар ва судда қўриқув амалий таърибига эга.

Ишончли ва кафолатли

Манзил: Тошкент шаҳри, Янгийўл кўчаси, 1-уй.  
Тел.: (+99834) 555-45-15, (+99871) 289-51-34,  
(+99857) 401-88-81. Факс: (+99871) 140-06-85.  
E-mail: adolatsoqchisi@mail.ru

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.  
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
Аппарати жамоаси Ўзбекистон Республикаси  
Бош вазирнинг ўринбосари  
Улуғбек Убайдуллаевич  
Розуқуллова онаси  
Замнаҳон ая  
РОЗУКУЛОВАнинг  
вафоти муносабати билан  
таъзия изҳор этади.

Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



Абитуриентман. Бу йил олий ўқув юртига ўқишга кириш учун астойдил тайёргарлик кўрмоқдаман. Лекин бир гап эшитиб қолдим. Айтишларича, барча университет ва институтларга қабул имтиҳони тартиби ўзгарибди. Яъни оғзаки, ёзма ва тест шаклида бўлар экан. Шу ростми?

Ф. БОБОЖОНОВ. Хива тумани

Қабул — тест синовлари асосида

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги "Олий таълим муассасаларига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан кучга кирган "Олий таълим муассасаларининг бакалавриатига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ, тест синовлари натижалари асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасаларига талабалар қабули бўйича амалдаги тартиб ва қоидаларга ўзгартиришлар киритилмаган.

Б. ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори.

Терминалар босқичма-босқич ўрнатилмоқда

2011 йилнинг январидан бошлаб сотув ҳажми ҳамда иншоотнинг ўлчамидан қатъи назар, барча савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида тўлов терминаллари ўрнатилиши лозим эди. Лекин жуда кўп савдо масканларига кирганимизда, хали-ҳануз "Терминалимиз йўқ, энди ўрнатиш ҳаракатидамиз", деган баҳоналарни эшитаяпмиз. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

А. ҚОСИМОВ. Гулистон шаҳри

Давлатимиз томонидан қаратилган эътибор туфайли мамлакатимизда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий янги банк хизмат турларидан бири — пластик қарточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш тизими яратилди.

қичма-босқич терминаллар билан таъминлаб келинаётир. Хусусан, ҳозирга қадар 86 мингдан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари тўлов терминалларига эга. Шу билан бирга, маҳаллийлаштириш дастури доирасида республикамизда микропроцессорли пластик қарточкалар ва тўлов терминаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, йилга 3 миллион дона микро-чипли пластик қарточка ва ойига 4,5 минг дона тўлов терминалини ўзимизда тайёрлаш имконияти мавжуд.

У. МУСТАФОЕВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари.

Озиқ-овқат дўконига кириб, купитрилган сут сотиб олмақчи бўлдим. Хорижда ишлаб чиқарилган экан, сифатига бир оз шубҳа туғилди. Сотувчига бориб, ушбу махсуснинг сифат сертификати бор-йўқлигини сўрадим. Савдо ходими эса "Нимани текширмоқчисиз?! Ёқмаса, ана, бошқа дўконга бориб олинг", деди жаҳл билан. Сотувчининг ҳаракатлари тўғрими?

А. АСЛАНОВ. Қармана тумани

Сотувчи зиммасидаги масъулият

Бу ерда сотувчининг ҳатти-ҳаракатлари нотўғри. "Истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истемолчига ўзи реализация қилаётган товарлар (иш, хизматлар) ҳақида ўз вақтида зарур, тўри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Шунингдек, сертификатланиши шарт бўлган товар ҳақида истемолчига унинг сертификатланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этилиши лозим.

А. МИРАЗИЗОВ, Ўзбекистон Истемолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси раиси.

Ёшим 18 да. Енгил автомобилни бошқариш учун ҳайдовчиликка ўқимоқчи эдим. Айтишларича, бу соҳада қатор янги тартиб-қоидалар жорий қилинибди. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Э. ЖУМАЕВ. Ғузур тумани

Энди талаб қатъий

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ҳайдовчилар тайёрлаш ва қайта тайёрлашга ихтисослаштирилган муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш, ҳайдовчилик гувоҳномалари бериш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрда қабул қилинган тегишли қарорига мувофиқ, жорий йилдан эътиборан автоматотранс-

порт воситалари ва шаҳар электр транспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни фақат шу йўналишдаги давлат таълим муассасалари, шунингдек, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Тошшаҳартрансхизмат" ва "Транскасб" уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Автомобил ва ҳаваскорлар кўнглили жамияти томонидан амалга оширилади.

Ҳайдовчиликка ўқишни

хоҳловчи фуқаролар, албатта, умумий ўрта маълумотдан кам бўлмаган маълумотга эга бўлиши ва соғлигининг ҳолати бўйича махсус тиббий талабларга жа-



тириб, олти ой мобайнида ҳудудий ЙХБ РИБ (ТРИБ)лардан имтиҳон синовларидан ўтмаган шахслар белгиланган тартибда яна таълим муассасаларига тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишлари шарт. Ўқиш харажатлари ўқувчи томонидан амалга оширилади.

Б. ЯЗДАНОВ, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Қашқадарё вилояти Кенгаши раиси вазифасини бажарувчи.

Юртимизда мобил алоқа тизими торабора ривожланиб бораёпти. Бу барчамиз учун жуда катта қулайлик туғдираётир. Лекин бир масала борки, кишини уйлантирмай қолмайди. Маълумки, мобил алоқа компаниялари алоқа сифатини яхшилаш мақсадида турли бинолар, шу жумладан, кўп қаватли уйлarning томига ўз антенналарини ўрнатилган. Айтинг-чи, бундай қурилмалар шу иншоотларда меҳнат қилаётган, яшаётган одамларга саломатлигига салбий таъсир кўрсатмайдими?

Н. МУРОДОВ. Миробод тумани

Томдаги антеннанинг зарари йўқми?

Албатта, ҳар соҳада бўлганидек, мобил алоқа тармоқларини ривожлантиришда тегишли техник воситаларга хизмат кўрсатувчи ходимлар ва аҳоли саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада техник воситаларни, хусусан, мобил алоқа базавий станцияларини лойиҳалаш, ишга тушириш ва эксплуатация қилиш босқичларида бажарилиши шарт бўлган меъёрлар ва ташкилий ишлар белгилаб қўйилган.

Шу мақсадда нафақат мобил алоқа, балки бошқа радиоалоқа тизимлари учун ҳам, ҳар бир антенна ёки базавий станция ўрнатилишидан олдин тегишли лойиҳа ишлаб чиқилиб, мутасадди давлат органлари томонидан экспертизадан ўтказилади. Радио узатиш қурилмаларининг хавфсизлик талабларига жавоб бериш даражаси

сертификация жараёнида ҳам синовдан ўтказилади. Базавий станциялар ва антенналарни ишга туширишдан аввал Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Электромагнит мослашув маркази ва бошқа масъул давлат органлари томонидан зарари тўлқинларни ўлчаш ишлари олиб борилади. Шулардан келиб чиққан ҳолда, нурланишлар кўрсаткичи йўлга қўйилган меъёр даражасида бўлишини таъминлаш учун антенналарни ўрнатиш жойлари махсус танланади.

Талаб этилган хизмат зорасини сифатли қоплаш учун бинога ўрнатилган антеннанинг асосий нурланишлари бирор бино ёки бошқа тўсиқлардан четга йўналтирилади.

А. ИШАНХОДЖАЕВ, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари.

Ўғлимни сафарбарлик қақруви резервидаги хизматга рўйхатга олишганди. Туман мудофаа ишлари бўлимидан кўнгирок қилиб, "Бир ҳафтадан кейин ойлук ҳарбий йигинга жўнайдми", дейишди. Айрим оилавий муаммоларимиз туғайли фарзандимнинг сафарбарлик қақруви резервидаги хизматга бориш вақтини бир оз кейинроққа суриб туриш мумкинми?

Х. ҲАКИМОВ. Янгиқўрғон тумани

Узрли сабаб бўлса...

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги 99-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик қақруви резервида хизматни ўташи тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 2-моддасига асосан, фуқароларнинг пул бадалли тўлашлари, шунингдек, хизмат мобайнида (йигирма етти ёшга тўлганларига қадар) ойлук ҳарбий йигинлардан ўтишлари фуқаролар томонидан сафарбарлик қақруви резервидаги хизматни ўташ шартлари ҳисобланади.

Сафарбарлик қақруви резерви хизматчисидан ҳарбий йигинларни ўташга вақтинчалик тўсқинлик қилувчи узрли сабаблар бўлса, ҳарбий йигинларни ўташ маълум муддатга кечиктирилиши мумкин. Бу ҳолда СҲР хизматчиси мудофаа ишлари бўлимига узрли сабабни тасдиқловчи ҳужжат ва ҳарбий йигинлар қайси муддатга кечиктирилиши кўрсатилган ариза тақдим этиши керак.

Б. МАХМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Дубль, хет-трик ва покер...

Футболда иккита гол урган ўйинчи дублга, учтага хет-трик, тўрттага эса покер ёки қарага эришди, дея таъриф берилади. Ҳўш, дарвоза бундан ҳам кўпроқ ишғол қилинганда, қандай аталади?

У. РАҲИМОВ. Ғиждувон тумани

Авваламбор, тўрттадан кўп гол уриш футболчида катта маҳорат талаб қилишини таъкидлаш жоиз. Ана шундай натижага эришган профессионал чарм тўп усталари сони ҳам футбол тарихида унча кўп эмас.

Яшил майдонда рақиблар дарвозасига бешта тўп киритиш пента-трик (баъзан у "квинта" ҳам дейилади), олтига гол уриш икки қара хет-трик (ёки гекса-трик), еттита тўп йўллаш септа-трик, саккизта гол муаллифи бўлиш окта-трик, тўққиз марта му-

ваффақият қозониш эса нона-трик ҳамда ўн марта дарвозабонни доғда қолдириш дека-трик дейилади.

Б. ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Футбол федерацияси бўлими бошлиғи.

Яна саволларингиз борми? Мухтарам газетхон! Хатларингизни кутгамиз!

Турмуш ўртоғим олий ўқув юртида шартнома асосида тахсил олади. Мавжуд қонунийлик мувофиқ, фарзандлар ёки ўзи шартнома асосида олий ўқув юртида тахсил олса, солиқ тўлашда имтиёзларга эга экан. Ушбу имтиёздан турмуш ўртоғимнинг ўқиши учун қондир пулини тўлашда ҳам фойдаланишим мумкинми?

М. БҮРИЕВ. Зангиота тумани

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-бандига мувофиқ, фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларининг Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртида таълим олиши учун (ўзининг ўқиши ёки йиғирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтирилган суммалари жисмоний шахсларнинг солиқ солимайдиган даромадлари қаторида қайд этилган.

Шунингдек, 2010 йил 27 майда Адлия вазирлигида 2107-сон билан рўйхатга олинган Низомнинг 5-бандида ўзининг ўқиши ёки ўз фарзандларининг ўқиши учун тўланганда, солиқ чеғирмаси жисмоний шахс — таълим олувчига, шунингдек, асар ўқиш учун тўлов таълим олувчи йиғирма олти ёшга тўлганга қадар амалга оширилган бўлса, унинг ота-оналарига берилиши кўрсатиб ўтилган.

Оқордагиларга асосланган ҳолда, амалдаги қонун ҳужжатларида турмуш ўртоғининг тахсил олиши учун йўналтирилган маблағга нисбатан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича солиқ имтиёзи белгилашни назарда тутилмаган.

Б. МУСАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.



Амалдаги тартиб ўзгарган

Тиббиёт коллежида кутубxonачи бўлиб ишлайман. Бошқа таълим даргоҳларидаги ҳамкасбларимдан: "Аваллари китоб фондидан келиб чиққан ҳолда қўшимча ҳақ тўланарди", деб эшитдим. Шу тартиб-қоида ҳозир ҳам амалдами?

Г. ТУЯБОВА. Иштихон тумани

Чиндан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорининг 23-бандига мувофиқ, кутубxonачиларга кутубxона фондидаги китоблар сонидан келиб чиққан ҳолда энг

кам иш ҳақига нисбатан муайян миқдорда қўшимча ҳақ тўланарди. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги "Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори билан айрим қарорларга ўзгартириш-

лар киритилган ва шу асосда мазкур банд ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ўз кучини йўқотган.

У. ТАШКЕНБАЕВ, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директори.

Пенсия тайинлашнинг ҳуқуқий мезони

Имтиёзли шартлардаги пенсиялар Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган "Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2, ва 3-сонли рўйхатлари"га қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган "Имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1, 2, ва 3-сонли рўйхатлари"га қатъий риоя қилинган ҳолда тайинланади.

Меҳрибонлик уйлари, ҳарбий академик лицейлар, тарбия колониялари ўқувчилари — махсус иш стажы каммида 25 йил бўлган тақдирда, умумий белгиланган ёшдан 5 йил илгари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Ш. МАНСУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директорининг ўринбосари.



Б. ҲАЙДАРОВ, Ўзбекистон Футбол федерацияси бўлими бошлиғи.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 603. 67044 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.
ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Манзилими: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ф. Бўтаев. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — Ю. Бўронов. Мусоҳаҳчи — Ш. Машраббоев.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5